

**“Ипотека-банк” АТИБ акциядорларининг навбатдан
ташқари умумий йиғилишининг
45 - сонли баёнидан кўчирма**

2023 йил 10 ноябрь

Тошкент ш.
Шаҳрисабз кўчаси, 30-уй

“Ипотека-банк” АТИБ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши интернет орқали онлайн режимда, масофадан туриб йиғилишни олиб бориш имконини берувчи электрон овоз бериш хизмати – <http://evote.uz/> платформаси воситасида соат 11⁰⁰ дан бошлаб ўтказилди.

Йиғилишга Кузатов кенгаши аъзоси Р. Махкамов раислик қилди.

Кун тартибидаги масалалар:

1. “Ипотека-банк” АТИБ ташкилий тузилмасини янги тахрирда тасдиқлаш.
2. “Ипотека-банк” АТИБ Кузатов кенгаши таркибига ўзгартиришлар киритишни тасдиқлаш.
3. “Ипотека-банк” АТИБ Бошқаруви таркибига ўзгартиришлар киритишни тасдиқлаш.
4. “Ипотека-банк” АТИБ уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритишни тасдиқлаш.
5. “Ипотека-банк” АТИБ Кузатов кенгаши тўғрисидаги низомга ўзгартишлар киритишни тасдиқлаш.
6. “Ипотека-банк” АТИБ устав капиталини кўпайтириш ва қўшимча акциялар чиқаришни тасдиқлаш.

Банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартиби, акциядорларга бериладиган тарқатма материаллар ва овоз бериш бюллетени йиғилишни ўтказиш операторининг электрон платформасида (<http://evote.uz/>) жойлаштирилган.

Бунда, умумий йиғилишнинг ўтказилиши тўғрисида банк акциядорларини хабардор этиш мақсадида, 2023 йил 13 октябрь ҳолатига шакллантирилган акциядорлар реестрига асосан, умумий йиғилишни ўтказиш вақти, шакли, кун тартиби тўғрисидаги хабар 2023 йил 19 октябрь куни банкнинг корпоратив веб-сайтида, Корпоратив ахборот ягона порталида, “Тошкент” фонд биржасининг расмий веб-сайтида ва Uz24.uz интернет нашрида эълон қилинган ҳамда акциядорларнинг электрон почта манзилларига юборилган.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 61-моддасига ва банк Кузатов кенгашининг 2023 йил 13 октябрдаги 23-сон қарорига асосан, умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатини тузиш санаси 2023 йил 6 ноябрь этиб белгиланганлиги муносабати билан, йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхати шу кун ҳолатига шакллантирилган. Амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ мазкур санага шакллантирилган акциядорлар реестридаги фақат оддий акциялар эгалари йиғилишда овоз бериш ҳуқуқига эга.

2023 йил 6 ноябрь ҳолатига шакллантирилган реестрга кўра банкнинг устав капитални 2’989’584’338’941 (икки триллион тўққиз юз саксон тўққиз миллиард беш юз саксон тўрт миллион уч юз ўттиз саккиз минг тўққиз юз қирқ бир) сўмни ташкил қилади ва куйидаги акцияларга бўлинган:

- умумий қиймати 2’981’532’338’941 сўм бўлган номинал қиймати 1 (бир) сўмлик 2’981’532’338’941 дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялар;

- умумий қиймати 8’052’000’000 сўм бўлган номинал қиймати 1 (бир) сўмлик 8’052’000’000 дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатли эканлиги (кворум тўпланганлиги) бўйича қуйидагилар аниқланди.

Йиғилишни ўтказиш оператори электрон платформасида шаклланган ҳисоботга мувофиқ, “Ипотека-банк” АТИБ акциядорлари реестрига кўра 2023 йил 6 ноябрь ҳолатига умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатига жами 2’981’532’338’941 дона оддий акциялар эгаси бўлган 15 207 та акциядор киритилган.

Акциядорлар рўйхатининг тўғри расмийлаштирилганлиги ва акциядорлар номидан умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган вакилларнинг ваколатлари тасдиқланди. Электрон ҳисоботга асосан йиғилишда иштирок этиш учун умумий овоз бериш ҳуқуқига эга 2’939’524’282’168 дона оддий акцияларга эгалик қилувчи 3 та акциядор ва уларнинг вакиллари рўйхатдан ўтганлиги ва умумий йиғилиш ваколатли эканлиги, яъни кворум мавжудлиги маълум бўлди.

Йиғилиш кворуми: 98,59%.

Умумий йиғилишда иштирок этиш учун акциядорларни рўйхатдан ўтказиш <http://evote.uz/> платформасида интернет орқали электрон овоз бериш хизматидан фойдаланган ҳолда, уларнинг йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатига киритилганлиги тўғрисида электрон хабарнома юборилиши асосида ўтказилди, шунингдек, умумий йиғилиш 2023 йил 10 ноябрь куни соат 11⁰⁰ дан бошланди ва шу куни соат 12¹⁵ да тугатилди.

1. Кун тартибидagi биринчи масала – “Ипотека-банк” АТИБ ташкилий тузилмасини янги таҳрирда тасдиқлаш.

Кун тартибидagi биринчи масала овозга қўйилди:

Тарафдор - 2’939’524’260’809	Қарши - 0	Бетараф - 0
(100%)	(-%)	(-%)

(Овоз беришда иштирок этмаганлар - 21’359 (0.0000%) дона овоз)

2. Кун тартибидagi иккинчи масала – “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгаши таркибига ўзгартиришлар киритишни тасдиқлаш.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, кун тартибидagi масала овозга қўйилди.

Кумулятив овоз бериш натижалари:

ФИШ	Кузатув кенгаши аъзосининг лавозими/ мақоми	Кумулятив овоз бериш натижалари
		(овозлар сони)
Ласло Волф	ОТР Bank Plc. Бош директори ўринбосари	2’939’524’260’809
Зоард Газмар Ласло	ОТР Bank Plc. Бошқарувчи директори, Комплаенс бўйича бош директор	2’939’524’260’809
Питер Беше Янош	ОТР Bank Plc. Халқаро чакана хизматлар директорати раҳбари	2’939’524’260’809

Махкамов Рустам Хусниддинович	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги бош юрисконсулти	2'939'524'260'809
Александр Пиккер	Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси	0
Татьяна Доган	Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси	2'939'524'260'809
Золтан Салаи Дьёрдь	Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси	2'939'524'260'809
Максим Чернушченко	Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси	2'939'524'260'809
Елена Ладигина	Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси	2'939'524'260'809
Марко Вольц	Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси	2'939'524'260'809

(Овоз беришда иштирок этмаганлар - 21'359 (0.0000%) донна овоз)

3. Кун тартибидagi учинчи масала – “Ипотека-банк” АТИБ Бошқаруви таркибига ўзгартиришлар киритишни тасдиқлаш.

Кун тартибидagi учинчи масала овозга қўйилди:

Тарафдор – 2'205'862'113'969	Қарши - 0	Бегараф – 733'662'146'840
(75,04%)	(-%)	(24,96%)

(Овоз беришда иштирок этмаганлар - 21'359 (0.0000%) донна овоз)

4. Кун тартибидagi тўртинчи масала – “Ипотека-банк” АТИБ уставига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритишни тасдиқлаш.

Кун тартибидagi тўртинчи масала овозга қўйилди:

Тарафдор - 2'939'524'260'809	Қарши - 0	Бегараф - 0
(100%)	(-%)	(-%)

(Овоз беришда иштирок этмаганлар - 21'359 (0.0000%) донна овоз)

5. Кун тартибидagi бешинчи масала – “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгаши тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритишни тасдиқлаш.

Кун тартибидagi бешинчи масала овозга қўйилди:

Тарафдор - 2'939'524'260'809	Қарши - 0	Бегараф - 0
(100%)	(-%)	(-%)

(Овоз беришда иштирок этмаганлар - 21'359 (0.0000%) донна овоз)

6. Кун тартибидagi олтинчи масала – “Ипотека-банк” АТИБ устав капиталини қўлайтириш ва қўшимча акциялар чиқаришни тасдиқлаш.

Кун тартибидagi олтинчи масала овозга қўйилди:

Тарафдор - 2'939'524'260'809	Қарши - 0	Бегараф - 0
(100%)	(-%)	(-%)

(Овоз беришда иштирок этмаганлар - 21'359 (0.0000%) донна овоз)

Юқорида баён этилган кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиб, “Ипотека-банк” АТИБ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши

Қарор қилди:

1. “Ипотека-банк” АТИБ ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ янги тахрирда тасдиқлансин.

2. “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгаши таркибига ўзгартиришлар киритиш тасдиқлансин.

Банк Кузатув кенгаши аъзоси Александр Пиккер, овоз бериш натижаларига кўра, Кузатув кенгаши таркибидан чиқарилсин.

Елена Ладигина ва Марко Вольц “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгаши таркибига мустақил аъзо сифатида уч йил муддатга сайлансин ҳамда “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгаши қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

ФИШ	Кузатув кенгаши аъзосининг лавозими/ мақоми
Ласло Волф	OTP Bank Plc. Бош директори ўринбосари
Зоард Газмар Ласло	OTP Bank Plc. Бошқарувчи директори, Комплаенс бўйича бош директор
Питер Беше Янош	OTP Bank Plc. Халқаро чакана хизматлар йўналиши раҳбари
Рустам Хусниддинович Махкамов	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг бош юрисконсулти
Татьяна Доган	Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси
Золтан Салаи Дьёрдь	Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси
Максим Чернушченко	Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси
Елена Ладигина	Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси
Марко Вольц	Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси

Банк Кузатув кенгаши таркибига сайланган янги аъзоларнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилган кундан бошлаб ўз вазифаларини бажаришга киришиши белгилансин.

3. “Ипотека-банк” АТИБ Бошқаруви таркибига ўзгартиришлар киритиш тасдиқлансин.

Бунда:

– Фаррух Маннонович Ботиров – “Ипотека-банк” АТИБ Бошқаруви Раиси ўринбосари, Корпоратив банкинг ва бозор инструментлари блоки раҳбари лавозимидан озод этилсин ва шу муносабат билан Бошқарув таркибидан чиқарилсин;

– Джура Исмоилович Зулфукаров “Ипотека-банк” АТИБ Бошқаруви Раиси ўринбосари, Давлат дастурлари ва худудлардаги лойиҳалар блоки раҳбари лавозимидан озод этилсин ва шу муносабат билан Бошқарув таркибидан чиқарилсин.

– Умиджон Абдухаликович Хакимов “Ипотека-банк” АТИБ Бошқаруви Раиси ўринбосари, Корпоратив банкинг ва бозор инструментлари блоки раҳбари лавозимида тайинлансин ва банк Бошқаруви таркибига киритилсин.

Умиджон Абдухаликович Хакимов ўз вазифаларини бажаришга Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилгандан сўнг киришиши белгилансин, шунингдек у билан уч йилга шартнома тузилиб, ушбу шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. “Ипотека-банк” АТИБ уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин ва 2-иловага мувофиқ янги таҳрирда тасдиқлансин. Банк Бошқаруви уставнинг янги таҳририни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида рўйхатдан ўтказилиши юзасидан зарур чора-тадбирларни амалга оширсин.

5. “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгаши тўғрисидаги низомга ўзгартишлар 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. “Ипотека-банк” АТИБ устав капиталини кўпайтириш ва қўшимча акциялар чиқариш тасдиқлансин.

6.1. “Ипотека-банк” акциядорлик тижорат ипотека банкининг (кейинги ўринларда – Банк) номинал қиймати 1 сўм бўлган 844 633 300 000 дона умумий қиймати 844 633 300 000 сўмлик эгасининг номи ёзилган оддий ҳужжатсиз шаклдаги 21-қўшимча чиқарилаётган акцияларини жойлаштириш тартиби ва муомалага киритиш шартлари қуйидагича белгилансин:

1) Чиқарилаётган акциялар ёпиқ обуна усули билан Банк акциядорларининг имтиёзли равишда олиш ҳуқуқи қўлланилган ҳолда, OTP Bank Nyrт.га жойлаштирилади.

2) Ушбу чиқарилаётган акциялар давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 60 (олтмиш) календарь кунни давомида жойлаштирилади.

Акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси – акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумот ва акциядорларнинг акцияларни имтиёзли олиш ҳуқуқи тўғрисидаги билдиришнома қонунчиликка мувофиқ эълон қилиниб, акциядорларнинг чиқарилаётган акцияларни имтиёзли равишда олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати тугаган кундан кейинги биринчи кун. Агар акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси дам олиш кунига тўғри келса, унда акцияларни жойлаштириш кейинги биринчи иш кунига бошланади.

Акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси – ушбу чиқарилишнинг сўнгги акцияси жойлаштирилган кун, бироқ акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси, ушбу акциялар давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 60 (олтмиш) кундан ошмаслиги лозим.

3) Ушбу чиқарилишдаги акциялар уюлмаган биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорида тўғридан-тўғри фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузиш орқали қонунчиликда белгиланган тартибда жойлаштирилади.

Акциялар жойлаштирилиши жараёнида андеррайтерлар жалб қилиниши кўзда тутилмаган.

Акциядорларнинг имтиёзли олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати тугагунига қадар чиқарилаётган акциялар имтиёзли ҳуқуққа эга бўлмаган шахсларга жойлаштирилмайди.

Акциядорларнинг имтиёзли олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати тугагандан кейин қолган акциялар OTP Bank Nyrт.га жойлаштирилади.

4) Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли равишда олиш ҳуқуқига эга.

Акциядор ушбу чиқарилишдаги акцияларни ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорида мутаносиб миқдорда имтиёзли олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Банк акцияларини имтиёзли олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг рўйхати 2023 йил 10 ноябрь куни ҳолатига шакллантирилган Банк акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

Банк акцияларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан 10 (ўн) кун ичида оммавий ахборот воситаларида билдиришномани эълон қилиш орқали ўзининг имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядорларига акцияларни олишни таклиф этади.

Билдиришнома матнида жойлаштирилаётган акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш нархи, ҳар бир акциядор олишга ҳақли бўлган акцияларнинг сонини аниқлаш тартиби, акциядорларнинг бу ҳуқуқи амал қиладиган муддат ва уни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги маълумотлар бўлиши лозим.

Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядор акцияларни олиши тўғрисида ўзининг исми-шарифи (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери), ўзи оладиган акцияларнинг сони кўрсатилган ёзма шаклдаги аризани ва ҳақ тўлаганлик тўғрисидаги ҳужжатни Банкка (Банкнинг Бош офиси, филиаллари ёки банк хизматлари офислари (марказлари) орқали) юбориш орқали ўз имтиёзли ҳуқуқини тўлиқ ёки қисман амалга оширишга ҳақли. Бундай ариза мазкур имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати ичида Банкка (Банкнинг Бош офиси, филиаллари ёки банк хизматлари офислари (марказлари) орқали) тақдим этилиши керак.

Акциядорларнинг акцияларни имтиёзли олиш ҳуқуқи билдиришнома эълон қилинган пайтдан эътиборан 10 (ўн) кун давомида амал қилади.

Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати, агар бу муддат ўтгунига қадар банкнинг барча акциядорларидан имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш тўғрисида ёки ундан фойдаланишдан воз кечиш ҳақида ёзма равишда аризалар олинган бўлса, тугайди.

Имтиёзли ҳуқуқдан бошқа шахс фойдасига воз кечишга йўл қўйилмайди.

5) Чиқарилаётган акциялар номинал қиймати бўйича 1 (бир) сўмдан жойлаштирилади.

6) Акциялар учун тўловлар миллий валютада фақат пул маблағлари билан қонунчиликда белгиланган тартибда OTP Bank Nurt. томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ, акциялар учун тўланган пул маблағлари қабул қилинади ва ушбу маблағлар Банкнинг тегишли ҳисобварақларида ҳисоби юритилади.

7) Чиқарилаётган акцияларнинг олтмиш фоиздан кам қисми жойлаштирилганда, ушбу чиқарилиш амалга ошмаган деб ҳисобланади.

Акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда, Банк томонидан ушбу ҳолат тўғрисида ўрнатилган тартибда расмий маълумот Банкнинг веб-сайтида, корпоратив ахборот ягона порталида ҳамда “Тошкент” Республика фонд биржаси веб-сайтида ўрнатилган тартибда эълон қилинади.

Акциялар учун тўланган маблағлар акциядорнинг аризасида кўрсатилган банклардаги ҳисоб рақамларига ушбу чиқарилиш амалга ошмаган деб топилган кундан бошлаб, 10 (ўн) кун давомида тўлиқ ўтказиб берилади.

6.2. “Қимматли қоғозлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва соҳага оид бошқа қонунчилик ҳужжатларига асосан Акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарор 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва уни тасдиқланганлиги бўйича имзолаш ваколоти Кузатов кенгаши аъзоси Р. Махкамовга берилсин.

Акциялар чиқарилишини қонунчиликда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш “Ипотека-банк” АТИБ Бошқаруви зиммасига юклатилсин.

Йиғилиш котиби



Б. Мерганов

Ушбу баён 2023 йил 10 ноябрда икки нусхада тузилди.